

«Ҳаж» сураси 40-оят



14:35 / 07.09.2017 10275

«Албатта, Аллоҳ Ўзига ёрдам берганларга ёрдам берур.

Яъни Аллоҳ Ўз динига ёрдам берган бандаларига ёрдам берур. Аллоҳнинг динига мусулмонлар ёрдам берадилар. Улар дунёда Аллоҳнинг дини устун бўлиши учун ҳаракат қиладилар. Демак, Аллоҳ ҳам уларга бу ишда Ўз ёрдамини беради.

«Албатта, Аллоҳ ўта қувватлидир, ўта иззатлидир».

Албатта, Аллоҳ кучли ва ғолибдир. Мусулмон бандаларига ёрдам бериб, ғолиб қилишга қодирдир.

«Ҳаж» сураси 40-оят

«Тафсири Ҳилол» китобидан

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф